



Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

Томди -2022

Танлов ҳужжатларининг мазмуни

- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
- II. Техник қисм
- III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

Танлов предмети: Томди туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонасига қарашли барча машина механизмларга таъмирлаш хизмати.

- 1.1. Танлов охирги қиймати **300 000 000 (Уч юз миллион) сум**. Ушбу қийматдан ортиқ қабул килинмайди ва кўриб чиқилмайди.
- 1.2. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган .
Ушбу танлов якуплари бўйича ғолиб чиқсан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.
- 1.3.Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 300 календар кун.
- 1.4.Ишларни бошлаш муддати –аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

- 2.1. “Томди туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси” (бундан кейин “Буюртмачи ”деб аталади)-танлов ташкилотчиси ҳисобланади.
- 2.2. “Буюртмачи ” манзил ; Навоий вилояти Томди тумани Ақтау ОФЙ
- 2.3. Танлов “Буюртмачи ” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

- 3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.
- 3.2. Танловда иштирок этиш учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади.Танлов предмети қийматининг камида 20 фоиз микдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларни ва мутахассисларнинг мавжудлиги; шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик –муомала ҳукуқий лаёқат ва ваколатлар, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (50 фоиздан кам бўлмаган ҳолда); Низом маблағи микдори.
- 3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, талабгорларга рухсат этилади.
- 3.4. Куйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди; қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусадара қилинган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳукуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

- 4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.
- 4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи ” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра узбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.
- 4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим: Техник қисм, “Буюртмачи ” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак; Нархлар қисми, танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак. Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варагини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.
- 4.4. Куйидаги ҳужжатлар тўлиқ булишини талаб этилади: Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар: Техник таклиф. Ферменный бланкада имзоланган, номерланган ва муҳрланган ҳолда; Техник ҳужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш ҳужжатлар рўйхати илова қилинади);
- 4.5. Танлов иштирокчиси:
 - фақат битта таклиф бериши мумкин;
 - тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
 - таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш, еки ўзгариш киритиш ҳукуқига эга.

5.ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

- 5.1. Таклифлар муддатини узайтириши фақат харид комиссияси йигилиши қарори асосида амалга оширилади.
- 5.2. Танлов муддатини узайтириш түғрисидаги қарори маҳсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Давлат харидлари түғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 6.3 Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буортмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

7. БОШҚА ШАРТЛАР

- 7.1. Давлат буортмачиси танлов ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш түғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш түғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.
- 7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буортмачисига сўров юборишга ҳақли. Суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичida давлат буортмачиси, агар мазкур сўров давлат буортмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.
- 7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолори томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичida маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.
- 7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасига эълон қилинганидан сўнг давлат буормачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиши шарт.
- 7.5. Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.